



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

XVI сароси
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов** Оксаройда Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Ўзбекистон бўйича миссияси раҳбари Эрик Де Врайерни қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.
- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига** кўра Қобилжон Назаров Ўзбекистон Республикасининг Латвия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди.
- **Олий Махлисининг** Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг бўлиб ўтган йиғилишида «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятидаги ижроси хусусидаги масала муҳокама қилинди.
- **Ўзбекистон Республикаси** Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Иордания Хошимийлар Киролиги ҳукумати ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.
- **Худудларда хорижий инвестициялар** иштирокидаги қорхоналар фаолиятини ташкил этишни мўваффақлаштириш бўйича идораларо ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.
- **Вазирлар Маҳкамаси** Алоқа ва ахборот-телекоммуникация технологиялари масалалари комплексида республикада компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни мўваффақлаштирувчи Кенгашининг илк йиғилишида бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳамда галдаги долзарб вазифалар кўриб чиқилди.
- **Ўзбекистон Республикаси** Фанлар академиясининг Полимерлар қимёси ва физика институтига Қариялари кадрлар йилга бағишланган «Ўзбекистон илм-фанида хотин-қизлар — авлодлар ворисийлиги» мавзuida учрашув ўтказилди. Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистонда 10 минг нафарга яқин хотин-қиз илмий-тадқиқот ишлари билан фаол шуғулланмоқда.
- **Ўзбекистон ёш олимлар** миллий жамиятида Марказий Осиёни ўрганиш Француз тадқиқот институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти билан ҳамкорликда америкалик тадқиқотчи олим Рассел Занга иштирокида «10 йил Ўзбекистонда амалий тадқиқотлар билан: америкалик антрополог нигоҳида» мавзuida илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.
- **АҚШнинг Ўзбекистондаги** Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст Самарқанддаги Тарих ва маданият Давлат музейига Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти ҳузуридаги Элчилик жамғармасининг маданий меросларни сақлаш бўйича грантини топширди.
- **Республикамиздаги** Ҳиндистон маданият маркази Тошкентдаги Лалъл Баходир Шахри номи 24-ўрта мактабга ҳинд ва инглиз тилларида чоп этилган дарсликлар ҳамда бадиий адабиётлар, шунингдек, уч данга компьютер ва алоқа воситаларини тақдим этди.
- **Бугун** Тошкентдан Японияга бегараз ёрдам дастури доирасида Қунчиқар мамлакатидagi олий ўқув юртурларида таълимни давом эттириш учун Ўзбекистоннинг 19 нафар магистранти жўнаб кетди.
- **Ўзбектеелефильм** студиясида «Каратэ — менинг ҳаётим» деб аталувчи янги ҳужжатли фильмнинг тақдими маросими бўлиб ўтди. Темура Аҳмадхўжаев режиссерлик қилган ушбу фильмда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, мамлакат миллий каратэ федерациясининг президенти Нурхон Нафасовнинг фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТРАРДА

- **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида пойтахтимиздаги қорхона-ташкilot ва муассасалар раҳбарлари ҳамда талабалар иштирокида ўтказилган тадбир жорий йилги ўқув мавсумини яқинлаб битирув имтиҳонларини топширишга қўлланаётган ёшларни ишга жойлаштириш масаласига бағишланди.
- **АЛИШЕР** Навоий номидаги Ўзбекистон миллий бoдида Фаргона вилоятидан келган пойтахт олий ўқув юртурларида тахсил олаётган талабаларнинг Фаргона вилоят

Шайхонтохур туманида фаолият кўрсатаётган «Абдуқодир-ҒАН» масъулияти чекланган жамиятида бугунги кунга келиб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва сифати алоҳида эътибор қаратилмақда. Албатта, бозор талабидан келиб чиқиб иш юритаятган тадбиркорлар харидорбон маҳсулотлар тайёрлаш келгуси ривожланиш учун муҳимлигини тўғри англашмоқда.

Корхонада 70 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг баракали меҳнатлари эвазига турли трикотаж маҳсулотлари ҳамда крахмал патикаси ишлаб чиқарилмақда. Маҳсулот сифати ҳамда унинг хилма-хиллигига қаратилаётган эътибор боис ҳам буюртмачилар сони ортиб бормоқда. Йигирув, тўқув ҳамда тикув цехлари замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Жамоа тадбиркорлари Ўзбекистон миллий университети олимлари билан ҳамкорликда ишлашади.

Истеъмолчиларга манзур маҳсулотлар

Ана шу ҳамкорлик туфайли ҳам янги-янги маҳсулот турлари яратилмақда.

— Утган йилда 150 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга мўваффақ бўлдик, — дейди қорхона раҳбари Авазхон Фаниев. — Барча турда адо этдик. Биз ўзимиз тўлаётган солиқларнинг пенсияонерларни химоя қилиш, фарзандларимизнинг пухта билим олиши, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш йўлида сарфлашини яхши англаган ҳолда уни хар доим сидқидилдан бажаришга ҳаракат қиламиз. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз эса халқимизга, истеъмолчиларга маъқул бўлмақда. Олимлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган крахмал патикаси қандо-

латчиликда кенг қўлланилади. Шу боис ҳам қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қорхоналар буюртмаси асосида уни тайёрлаб бераймиз.

Албатта, «Интилганга толе ёр» дейишади. Шунинг учун ҳам қорхона тадбиркорлари янги изланишлар, мақсадлар йўлида тинмай меҳнат қилишмоқда. Улар халқимизни сиёсий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга муҳим ҳисса қўшиш ниятида қорамол парварлигини ҳам йўлга қўйишга ҳаракат қилишмоқда. Бунинг учун 100 бош қорамолга мўлжалланган молчино қурилиши бошлаб борилади. Молларни парварлаш учун озуқа эса қорхонанинг ўзидан чиқади. Шу боис ҳам бу борадаги ишларни тезлатиб, қўшимча ишчи

Дилноза ҒИЁСОВА

ҚЎШМА ЙИГИЛИШ

Вазирлар Маҳкамасида Республика Мазнавият ва маърифат кенгаши, Маърифий ва мафқуравий тарғибот ишларини мўваффақлаштириш кенгашининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июнда қабул қилинган «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш бораидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига илова қилинган «Мазнавият соҳасида»ги дастурнинг бажарилиши атрофида муҳокама қилинди. Дастур юзасидан 2002 йилнинг биринчи ярмида кўндал-кўн вазифалар амалга оширилди. Жумладан, вазирликлар, концернлар, ташкilot ва муассасаларда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимликларида «Миллий истиқлол гоёси: назария ва амалиёт» мавзuida доимий семинар ташкил этилди, маънавий-маърифий ҳамда мафқуравий мавзуларда талай тадқиқот, илмий ҳамда илмий-оммабон рисола, дарслик ва қўлланма, плакат чоп этилди. Фарғонада умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари, Бухорода олий ўқув юртурлари талабаларининг университетасида юксак савияда ўтди. Йиғилишда «Мазнавият соҳасида»ги дастур ижроси билан боғлиқ муаммолар ҳам кўриб чиқилди, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Ўртбошимиз ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб «Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича илмий ва илмий-оммабон асарлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, матбуот чиқишлари, радиожўштиришлари ва телекўрсатувлар орасидан энг жиддий ва эътиборга сазоворларини ажратиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида танлов эълон қилишга келишиб олинди.

Йиғилишда Қашқадарё вилояти Маърифий ва мафқуравий тарғибот ишларини мўваффақлаштириш кенгашининг фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон Бастакорлар ҳамда Ёзувчилар уюшмаларининг фаолияти муҳокама этилди. Маърифий ва мафқуравий тарғибот ишларини ҳам, ижодий уюшмалар фаолиятини ҳам янги, янада юқори поғонага кўтариш зарурлиги таъкидланди.

Республика оммавий ахборот воситалари маъсул ходимлари малакасини ошириш мақсадида «Тарғибот ва ташвиқот технологияси» мавзuida ўқишлар ташкил этиш, бу ишга мамлакатимиздаги етакчи мутахассисларни жалб қилиш яхши самаралар бериши ўқтириб ўтилди.

Сирдарё вилоятида ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тизимида «Давлат тили ҳақида»ги, «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунлар ижроси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида маърифий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкilotлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш масалалари атрофида муҳокама қилинди. Республика атамашунослик қўмитаси фаолияти юзасидан ахборот тингланди.

Йиғилишда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти ривожига салмоқли ҳисса қўшган марҳум кишилар номларини абадийлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон халқ шоири Мўхаммад Юсуф номи Тошкент шаҳри кўчаларидан бирига, Андижон вилоятининг Мархамат туманидаги шоир ўқиган мактабга ва у туғилдиб ўсган кўчага бериш таклифлари маъқулланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. (У.А.)

ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ 2002

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАТИ БИТИРУВЧИ ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт». Ҳозирги кунда Юртбошимизнинг ушбу турли хил сўзлари ҳаётимизнинг барча жабхаларида ўз таъдирини топаётганлигининг гувоҳи бўлмақда. Хусусан, мактаблар, маҳаллалардаги тўғрақларда болажонларимиз турли касб-хўнар сирларини ўргансалар, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», университетларда спортга ошно бўлиб, жисмонан чинқоқсалар, турли-туман кўрик-танловлар, фестиваллар улар иқтидорларининг юзасига чиқишига имкон яратса, «Умид» жамғармаси каби ташкilotлар ёрдамида хорижий мамлакатларда ўқиб замонавий билимларни эгаллашмоқдалар.

Бу йил умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хўнар коллежлари ва академик лицейларини шахрида минглаб ўқувчи тамолаб, мустақил ҳаёт сари қадам ташламоқда. Мана, иккинчи йилдирки, ёшларимиз ҳаётларидаги энг унўнлимас кўн — битирув кечасини мўнособ тарзда нишонлашмоқдалар. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар иқтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзтеле радиокорпорация ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ташкilotчилигида «Истиқлол умидлари» ёшлар фестивали ўтказилиб келинмоқда.

Утган шанба кўни ҳам байрамона тусда безатилган ва катта шодийна руҳи кезаётган «Пахтакор» марказий стадионига мактаблар, коллежлар ва лицейларнинг барча битирувчилари, уларнинг устозлари, таълим-тарбия соҳаларининг захматкашлари таклиф этилди. Тадбир давомида шивалаб ёқдан ёнғир ҳам гўёки ёшларимизнинг бўлгуси ҳаёт йўлларини поклаётгандек эди.

...Майдонга битирувчилар ва биринчи синф ўқувчилари, уларнинг азиз устозлари тушиб келишади. Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар иқтимоий ҳаракати Кенгашининг раиси Ботир Убайдуллаев барча битирувчиларни қизгин қўллаб, мустақил ҳаётларида омад тилади. Ёшларни устозлар қўллаб, уларга оқ йўл тилашди.

Шу кўни мустақил ҳаёт оқибатида турган XVI аср ёшларининг дилларига қўсон бағишлаб, уларга ўзларининг энг пок ниғтиларини билдирувчилар кўн бўлди. Жумладан, ёшларимизни «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада-2002» му-

собақаларининг голиблари, Зулфия муқофотининг совриндорлари бўлиш зукко ва билимдон қизларимиз чин кўнглидан муборакбод этишди. Хатто «Умид» жамғармаси йўлланмаси орқали Германияда тахсил олаётган бир гуруҳ ҳамюртларимиз билан суний йўлдош орқали алоқа — стадион билан телемулоқот ўрнатилиб, хориждаги ёшларимиз ҳам бугунги битирувчиларга ўзларининг энг эзгу тилақларини изхор этишди.

«Камолот» ёшлар иқтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ташаббускорлари эса битирувчиларнинг ҳаёт йўлларини тўғри топишларида қўмақлаш мақсадида «Битирувчи-2002» махсатли хизматининг телефон рақамларини эълон қилди.

Ҳа, 12 кўнлик ёшлар фестивали давомида Тошкент шаҳридаги ўз йўналишлари бўйича энг яхши деб тахридан Юнособд туманидаги 17-мактаб, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия институти қўшиқдаги академик лицей ҳамда Тошкент қурилиш ва миллий хўнармандчилик коллежлари ҳам шарафланди.

Ёшларимиз учун «Умид юлдузлари» фестивалининг совриндорлари Жасур Мирзоатов, Кристина Мўминова, Азиз Ражабий, Аделина Назарова, Исроил Саидмуров, Дилноза Мирзақўжаева, Лола Аҳмедова, халқимизнинг севилими санъаткорлари Мансур Тошматов, Озода Нурсайдова, Руслан Шарипов, Абдураим Абдувахобов, Лариса Москалёва, Даврон Эргашев, Отабек Мадрохимов, «Аъло», «Фирдавс N», «Бахт», «Яйра», «Шод», «Фазо», «Хўжа», «Болалар», «Асал», «Сетора», «Шаҳзода» гуруҳлари, «Ором», «Аладдин», «Ракс», «Олтин балкич», «Ассалом, қўёш», «Севинч», «Сарвинзо» ансамбли, Б. Зокиров номидаги оркестр, ЭЦК ритм-балети ўзларининг энг яхши кўй, қўшиқ ва рақсларини ижро этишди.

Биз билан сўхбатда фестиваль катнашчилари тўқинланган ҳолда ўз таасуротлари билан қўйдагина ўртоқлашди:

Дилноза ИЛЁСОВА, Тошкент юридик коллежи битирувчиси:
— Бугунги байрам ўйлайманки барча ёшлар қалбида эзгу вақт сақланиб қолади. Давлатимиз томонидан биз ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик кўнглимизда гуруру ва ифтихор тўғрисида уюғотмоқда, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажакимизни барпо этиш йўлида бор ғайратимиз, куч-қувватимизни амалга ошириш. Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши учун хизмат қиламиз, деб баралла айта олам.



Ярим финалчилар аниқланди

Жанубий Корея ва Японияда давом этаётган XVII жаҳон чемпионати қизгин паллага кирди.

Жума кўни дастлабки чорак финал ўйинлари бўлиб ўтди. Англия — Бразилия ўртасида ўтказилган учрашувда ишқибозлар мутахассисларга ҳақиқий футбол спектакли намойиш этилди десак муболага қиймаймиш. Тезкор, ҳужумкор ўйин намойиш этган хар икки терма жамоа галаба қозониш учун астойдил интилишди. Уйнинг 23-дақиқасида Майкл Оуэн йўллаган голга бразилияликлардан Ривалдо ва Роналдиньюлар аниқ жавоб беришди. Муросасиз баҳсда 2:1 ҳисобида галаба қозонган Пеле ватандошлари ярим финалга йўлланма олишди.

Шу кўни бўлиб ўтган Германия — АҚШ учрашуви ҳам хавфли вазиятларга бой ўтди. 39-дақиқада Михаэль Баллек томонидан киритилган ягона гол германликларга муҳим галабани тақдим этди.

«Пахтакор»нинг гулабаси

«Пахтакор» марказий стадионига Муборакнинг «Машъал» жамоаси билан мамлакат XI миллий чемпионатининг 14-турида куч синашган пойтахтнинг бош жамоаси ўз муҳлисларини шод этди.

Рақиблар дарвозасига голлари Гочулки Гочулкиев (2 та) ва Анвар Солиевлар йўллаб пахтакорчиларнинг 3:0 ҳисобидаги гулабасини таъминлашди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Самарқанд-Динамо» — «Андижон» 3:1, «Бухоро» — «Металлург» 4:2, «Сўғдиёна» — «Кизилкум» 1:2, «Зарафшон» — «Нефтчи» 0:2, «Кўкон-1912» — «Сурхон» 3:1, «Насаф» — «Дўстлик» 3:0, «Трактор» — «Навбахор» 3:0.

Навбатдаги 15-тур ўйинлари 29 июнда бўлиб ўтади. **Ақбар ЙЎЛДОШЕВ**

● ФУТБОЛ ●

ЎТГАН КҮНИ

эса чорак финалнинг яна иккита учрашуви бўлиб ўтди. Европанинг кучли жамоаларидан бири Испанияга қарши майдонга тушган Жанубий Корея терма жамоаси футболчилари рақиблари билан тенгма-тенг кураш олиб боришди. Уйнинг асосий ва қўшимча вақтларида ҳисоб очилмади, пенальтилар сериясида европаликлар дарвозасини 5 марта ишғол этиб, ўз дарвозасидан 3 марта тўп ўтказиб юборган осёбликлар ярим финал иштирокчисига айланмади.

Сенегал — Туркия беллашувида ҳам асосий вақтда ҳисоб очилмади. Аммо қўшимча вақтда турклар футболчилари Ильян Мансиз йўллаган «олтин» гол сенегалликларни ярим финалда катнашиш ҳуқуқидан маҳрум этди. Энди 25-26 июнь кўнлари ярим финалда Бразилия — Туркия, Германия — Жанубий Корея голиблик учун ўзаро кураш олиб боришади.

ЎТГАН КҮНИ





ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



«ПАХТАКОР»:

КЕЧА ВА БУГУН

(Давами.Боши ўтган сонларда)
1992 йил: икки жамоага бир унвон
Бу истиқлолга эришган Ўзбекистон мустақил равишда ўтказган ilk футбол мавсуми эди. Бинобарин, мамлакат футболининг байроқдорлари илк бор бошқа барча жамоалар билан тенг равишда олий лигага киритилди. Илгарилари «Пахтакор» истакан уйинини ўз таркибига жалб қилиши мумкин бўлган бўлса, энди вазиёти ўзгарди. Эндиликда Ўзбекистон чемпионлигини ўз ичига олиб қиратиш учун курашда таркибига иқтидорли футболчилар жамланган Фарғона vodiysi жамоалари кучли рақобатга киришди. Албатта, бу ерда сўз биринчи навбатда Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси тўғрисида кетмоқда.

Биринчи чемпионатнинг дастлабки ўйинини «Пахтакор» сафарда «Косонсойчи» билан ўтказди ва 1:0 ҳисобида галабага эришди. Тошкентликлар биринчи мағлубият аламини бешинчи турда узок Нукус шаҳрида маҳаллий «Орол» жамоасидан 0:1 ҳисобида тортишди.

Биринчи чемпионатнинг натижалари Москвадан «Футбол» ҳафтамада «чоп этилди»: мавсум бошланиши олдиндан А. Пятишкий, Г. Денисов, М. Қосимов, И. Шквиринларнинг йўқлиги «Пахтакор» (шуни таъкидлаш кераки, уларнинг барчаси янги клубларига Россия чемпионатининг медалларини олишга кўмаклашди)лар агарда чемпионат якунини аниқлашда Фарғонада чемпионлик унвони учун даъвогарлик қўлайётган иккинчи жамоа — Фарғонанинг «Нефтчи» командасига жуда муҳим ўйинни бй бермаганда ҳаммадан ўзиб кетарди. Ушбу ўйинда фарғоналиклар 2:0 ҳисобида галаба қозондилар. Сўнг хар иккала жамоа ўз майдонига қолган ўйинларда галабага эришиб, чемпионатни тенг оқоларни жамгаран ҳолда якуниди. Қоидага қўра бундай ҳолатларда чемпионлик унвони учун қўшимча ўйин қўзда тутилди, бироқ ногаҳон уни ўтказмаслик тақлифи пайдо бўлди. Федерация қўрилмаганда ушбу тақлифга кўнди ва хар иккала жамоа чемпион деб эълон қилинди. Бу воқеа хали-ҳамон нафақат бизнинг, балки бутун жаҳон футбол тарихидаги гаройиб ҳодисалардан ҳисобланади.

Жамоннинг биринчи турнида қатнашуви хусусида тўхталадиган бўлсак, уша вақтдаги команданинг ёрқин ҳужумкор салохиятини таъкидлаб ўтиш уринилад.

1994 йил: битта мавсумда учта мураббий
Илгари собиқ иттифок чемпионатида тўп сурган «Пахтакор»нинг умумий тарихида битта мавсум давомида бири-бирини алмаштирган ҳолда учта мураббий командани бошқарган йил (1994) бўлган. Ушбу тарих 30 йилдан кейин тасдиқланди. 1994 йили чемпионатда дастлаб ўша пайтда Ўзбекистон тарма жамоасини муваффақиятли бошқарган Рустам Акромов командага бош мураббийлик қилди. Мавсум ўрталарида Акромов жамоадан кетди, унинг ўрнини эса Виталий Сунонов эгаллади. Мавсум охирига келиб «эстафета»ни Ахром Иноятгов қабул қилди. Бутун мавсум давомида «Пахтакор» қанчалик уринмасин, ўз ўйинини топ олмади. Мусобақа жадвалидаги жуда паст саккизинчи ўрин эса бунинг мантиқий якуни бўлди. Клуб раҳбарияти мураббийлик муаммосини янгича йўл билан ҳал қилишга киришди. 1994 йилнинг охирида Тошкентга голландиялик мутахассис Йоханнес Хендрик Ферел келди.

1994 йил: битта мавсумда учта мураббий
Илгари собиқ иттифок чемпионатида тўп сурган «Пахтакор»нинг умумий тарихида битта мавсум давомида бири-бирини алмаштирган ҳолда учта мураббий командани бошқарган йил (1994) бўлган. Ушбу тарих 30 йилдан кейин тасдиқланди. 1994 йили чемпионатда дастлаб ўша пайтда Ўзбекистон тарма жамоасини муваффақиятли бошқарган Рустам Акромов командага бош мураббийлик қилди. Мавсум ўрталарида Акромов жамоадан кетди, унинг ўрнини эса Виталий Сунонов эгаллади. Мавсум охирига келиб «эстафета»ни Ахром Иноятгов қабул қилди. Бутун мавсум давомида «Пахтакор» қанчалик уринмасин, ўз ўйинини топ олмади. Мусобақа жадвалидаги жуда паст саккизинчи ўрин эса бунинг мантиқий якуни бўлди. Клуб раҳбарияти мураббийлик муаммосини янгича йўл билан ҳал қилишга киришди. 1994 йилнинг охирида Тошкентга голландиялик мутахассис Йоханнес Хендрик Ферел келди.

1994 йил: битта мавсумда учта мураббий
Илгари собиқ иттифок чемпионатида тўп сурган «Пахтакор»нинг умумий тарихида битта мавсум давомида бири-бирини алмаштирган ҳолда учта мураббий командани бошқарган йил (1994) бўлган. Ушбу тарих 30 йилдан кейин тасдиқланди. 1994 йили чемпионатда дастлаб ўша пайтда Ўзбекистон тарма жамоасини муваффақиятли бошқарган Рустам Акромов командага бош мураббийлик қилди. Мавсум ўрталарида Акромов жамоадан кетди, унинг ўрнини эса Виталий Сунонов эгаллади. Мавсум охирига келиб «эстафета»ни Ахром Иноятгов қабул қилди. Бутун мавсум давомида «Пахтакор» қанчалик уринмасин, ўз ўйинини топ олмади. Мусобақа жадвалидаги жуда паст саккизинчи ўрин эса бунинг мантиқий якуни бўлди. Клуб раҳбарияти мураббийлик муаммосини янгича йўл билан ҳал қилишга киришди. 1994 йилнинг охирида Тошкентга голландиялик мутахассис Йоханнес Хендрик Ферел келди.

Дилшод ИСРОИЛОВ, Владимир САФАРОВ.
(Давами бор).

«ПАХТАКОР» ТўПУРАРЛАРИ КЛУБИ (1956—2001 йиллар)

№	Исми-шарифи	Ўзбекистон чемпионати	Собиқ иттифок чемпионати	Кубок	Халқаро	Ҳаммаси бўлиб
1.	Г. Красницкий	—	142	9	37	188
2.	Б. Абдураимов	—	131	9	24	164
3.	И. Шквирин	66	70	15	5	156
4.	А. Абдураимов	42	25	23	19	109
5.	М. Қосимов	40	13	31	13	97
6.	Д. Назаров	56	—	27	7	90
7.	А. Якубик	—	70	3	9	82
8.	Ш. Мақсудов	51	—	14	14	79
9.	С. Ходиев	54	—	16	9	79
10.	Т. Исоқов	—	52	7	13	72
11.	В. Федоров	—	58	3	8	69
12.	М. Ан	—	47	5	5	57
13.	М. Кабаев	—	47	6	4	57
14.	И. Тазетдинов	—	33	1	13	47
15.	О. Синелобов	8	27	6	5	46
16.	Р. Бозоров	29	—	4	8	41
17.	Р. Галиев	19	11	3	6	39
18.	Б. Иброҳимов	—	22	5	12	39
19.	В. Кечинов	30	—	2	6	38
20.	Г. Денисов	—	32	1	4	37
21.	Х. Раҳматуллаев	—	20	2	14	36
22.	М. Боркин	—	27	1	7	35
23.	А. Ақоян	25	—	5	4	34
24.	Н. Ҳасанов	22	3	5	4	34
25.	В. Варюхин	—	28	2	3	33
26.	В. Чуркин	—	25	4	1	30
27.	А. Пятишкий	—	26	2	2	30
28.	К. Бақанов	—	24	3	2	29
29.	А. Писарев	27	—	2	—	29
30.	В. Хадзипанатис	—	22	2	3	27
31.	О. Моторин	—	15	5	7	27
32.	Ю. Беляков	—	19	—	7	26
33.	А. Зейтуллаев	—	25	1	—	26
34.	С. Стадник	—	16	2	6	24
35.	И. Шарипов	12	3	7	2	24
36.	Л. Мақсудов	—	17	1	5	23
37.	А. Маъруфалиев	14	1	3	5	23
38.	Н. Ширшов	18	—	4	1	23
39.	Н. Амриев	—	15	4	3	22
40.	И. Малиновский	—	17	—	5	22
41.	В. Бектошев	—	16	—	4	20

Абдулла Орифга

Инсон суратига бир бикиш билан,
Шошилиб бермагил дўстгинам баҳо.
Хокисор, бегубор Машраб, хайём ҳам,
Дил қўлдин очишда бўлмишлар тахҳо.
Гарчи митти юлдуз бўлса ҳам нури,
Шеърят осмонин ёрита олди,
Кечаги тортинчқ кишлоқ ўғлони,
Буюклар сафида мангуға қолди.


Ха, дерлар эгаси ёққан чирокни,
Банда минг уринсин сундира олмас,
Биров насибасин теролмас биров,
Узича бахт қушин қўндира олмас.

Илохий неъматга қалб бўлди ошино,
Меҳнат инъом этди шуҳрату шони,
Ха толь юксалур зероки истак,
Бахш этмоқ бир умр халқ учун жонни.

НАЗМ НЕ УЧУН

Гулшан ичра андалибсиз базму наво не учун,
Сезмас эл иқтидоринг шуҳрат, баҳо не учун.
Умр мисли киприк усти узра турган қатра ёш,
Бу омонат фурсатга айт, қибру хаво не учун.
Элга маълум чаён сифат одамларнинг қилмиши,
Бу тоифа хасталарга, нафсиз даво не учун.
Эй, оллоҳим билолмадим бу не сиру не учун.

синаот.
Тўғри кўнгил, соф инсонга жабру жафо не учун,
Дўсту улфат хоҳиш этдим оға — ини бўлғали.
Оқибатли бўлмаса гар ундай ошно не учун,
Менга даркор самимий дил ҳақ йўлида устувор.
Давру даврон, мансаб ҳаққи ҳамду сано не учун,
Эй, Шукур сен бузма кўнгил азгулики этма тарк,
Гар ниятинг бўлмаса пок вале сахо не учун.



Шукур ДАДАШ
Эзгулик изидан чиқмадим бир дам,
Номарду нокаста эгмадим бошим,
Самимий инсонга бўлдим ёр, ҳамдам,
Этьқод, иймоним бўлди қўшим.

Хаёт тегиримони гоҳо янча ҳам,
Давлат деб кечмадим инсоф, иззатдан.
Гоҳ тухмав камони ёйин санча ҳам,
Асло чармақамим савоб, хумматдан.

Тўғрилик, ҳалоқлик бўлди шиорим,
Вафою, оқибат кирди қонимга.
Маяндор кечмоқда куз, ёз, баҳорим,
Шукрона айтаман хар бир онимга.

ТАДБИРЛАР

«Дикқат, пиёда!» ойлиги бошланди

Шаҳримизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойишларига мувофиқ ҳодисаларнинг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадига 15 июндан «Дикқат, пиёда!» тадбири бошланди.
«Дикқат, пиёда!» ойлиги олдиндан шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси пойтахтдаги ҳаракат хавфсизлиги учун масъул бўлган бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда йўл-транспорт ҳодисалари сонини қисқарттиришга йўналтирилган кенг қўламадаги тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқди.
Ойлиқнинг дастлабки кунларидан бошлаб йўл-патруль хизмати назорат йўл-ҳаракати қоидаларини бузувчи пиёдаларга қатта эътибор қаратмоқдалар. Қоидабузарлар ўз нолоҳий хатти-ҳаракатлари учун нафақат жарима тўлайдилар, балки барча бирдай амал қилиши лозим бўлган йўл ҳаракати қоидалари бўйича маърузалар тингламоқдалар.
Ойлиқнинг тадбирлар режасидан аҳолининг барча қатламлари ўртасида профилактика ишларини амалга ошириш юмушлари ўрин олган. Жўмладан, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари шаҳардаги мактаблар қошидаги соғломлаштириш оромгоҳларида, ма-

халларда, автокорхоналарда, шаҳардаги йирик автомобилларни сақлаш жойларида, йўлларда кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадига ўрашувлар, суҳбатлар ўтказиладилар. Пиёдалар серкатнов бўлган чорраха ва йўлларда профилактик тадбирлар амалга оширилади. Шунингдек, «Дикқат, пиёда!» ойлигини ташкил этиш, ўтказиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда фаол иштирок этганлар рағбатлантирилади.
Тадбир доирасида Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳамкорликда жойларда ойлиқнинг ўтказилишини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатилишини тарғиб қилиш бўйича пойтахт кўчаларида қўша рейд ўтказиладилар.
Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига йўлларда хушёр ва саранжом, хушмуомала ҳамда эътиборли бўлишлари, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишларини сўраб муурожаат қилади. Ана шундангина ҳамкорликдаги савб-ҳаракатлар билан шаҳримиз кўчаларида йўл бериши мумкин бўлган ноҳуш ҳодисаларнинг олдини олган бўлаемиз.

ХУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ШАҲРИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

2002-2003 йилдаги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик қўриш мақсадига Тошкент шаҳрида 2002 йил 25 июндан 1 августга қадар қуйидаги ҳудудларда истеъмолчиларнинг иссиқ сувга бўлган эҳтиёжларини қамлашнинг ҳолда иссиқлик тармоқларининг механик мустаҳкамлиги ва зичлиги (кўчли босим) синовлари ўтказилади.

11 ва 29 июлда 1-ИМ (М-1)	Ақал, Х. Абдуллаев, Раҳматуллин, Ж. Обидова, Ф. Хўжаев, Мўминов, Муҳитдинов кўчаларида, Ялмоғор, Бўз-1 (Черанцев-1) турар жой даҳаларида, ТошГРЭС шаҳарчасида;
12 ва 30 июлда 1-ИМ (М-4)	Буюк Ипак йўли, ақал, Х. Абдуллаев, Раҳматуллин, Донистон, Сайрам, Оққўрғон, Эргашев, Пушқин, Ф. Хўжаев, Муҳитдинов кўчаларида, Тошқиншоқмах, Пушқин-Пушқин, Чизелнинг, Пушқин-Салор, ген. Петров турар жой даҳаларида;
25 июлда, 8 июлда 2-ИМ	Т. Малик, Иркутская, Мақболов, ақал, Х. Абдуллаев, Қодиров, Ш. Бурзунов кўчаларида, Қорасу-1,2,3,4,6, Хўмоюн, Бўз-2 (Черанцева-2), Феруз турар жой даҳаларида, Геофизиклар шаҳарчасида;
12 ва 24 июлда 3-ИМ	Беруний, Ўзбекистон, Ниёзов, А. Хўжаев, Фурқат, ген. Узоқов, Самарқанд-Дарвоз кўчаларида, Науоий, Абай, Халқлар Достлиги шоҳқўчаларида, Чорсу, Қораташ, Беруний, Олмазор, Бешёғоч, Хадр, Ура, Гузобод, Боғқич, Кўча дарвоза, Қорақамчи-2/1 даҳаларида;
18 июлда, 1 августда 4-ИМ (М-0)	А. Темур, Х. Асомов, Эргашев, Ф. Маллонов, Муртазоев, Ж. Обаёв, Боломол, Шаҳристон, Гвардейская, Х. Олимжон, Пушқин кўчаларида, Қит, Минор даҳаларида, Юнусобод шаҳраси, 2-марзе, Х. Олимжон майдонда;
25 июлда, 9 июлда 4-ИМ (М-1)	Ҳасанов, Ф. Фулом, Шамсутдинов, Бобоёнов, Хуршид, А. Қодирья, А. Ҳидоятов кўчаларида, Себзор, Тахтаулу, Ура, Лабзак, Жангоҳ, Қорақамчи-1/1,2/1,3/1,4 турар жой даҳаларида;
17 ва 31 июлда 4-ИМ (М-4,8)	Юнусобод даҳаси, 1-19-мавзелирада, А. Темур, Қаймаков, А. Дониш, Муратов, Висоқий кўчаларида;
16 ва 26 июлда 5-ИМ	Чилонзор даҳаси, 6-12, М. ГА, 16-20А, 26-мавзелирада, Думброд, Оқтепа, Қизил Шарқ турар жой даҳаларида, Я. Купала, Мўқий, Фарход, Волгоградская, С. Мирҳамидов, Нақшолик кўчаларида;
10 ва 25 июлда 6-ИМ	Мунис, У. Олимбеков, Бехтерев, Янгизамон, А. Фитрат кўчаларида, Қўйқўл-1,7, Қўйқўл-Ободная турар жой даҳаларида;
4 ва 18 июлда 7-ИМ	Лисунов, Шолохов, Бираштин, Элбек, Слонин кўчаларида, Гузал-1,11,11, ул-жой комбинати, Слоним-1,2 турар жой даҳаларида, «Авиасозлар» шаҳарчаси ҳудудларида;
16 ва 30 июлда 8-ИМ	Сергеи 1-8А, Спутник-8,15,16,17, Достик-1,2 турар жой даҳаларида;
18 ва 30 июлда 9-ИМ	Чилонзор даҳаси, 13-15, 21-24, 30, 31-мавзелирада, Қизил-Шарқ, Ал-Хоразий-1,2, Бешқайрағоч даҳаларида, Х. Турсуниқолов, Раҳимбеков, Подмосковная, Лутфия кўчаларида;
11 ва 17 июлда 10-ИМ	Форобий, Беруний, Мухбир, Мирзо Фолиб, Чимбой кўчаларида, Шифоқорлар шаҳарчаси, Талабалар шаҳарчаси, Чимбой, Жар-ярик, Қорақамчи-2/2,3/2,5, Тансикбоев-1,2,3,4, ТошДУ — ТошПИ, Олимпия, Ибн-Сино-1,2, Бел-Тела даҳаларида;
2 ва 19 июлда ИЭМ (М-0)	Бобур, У. Ноирос, С. Мирҳамидов, Арнасов, Ш. Исломов, Афросиёб, Мўқий, Аския, Волгоградская, М-7 кўчаларида, Ш. Рашидов шоҳқўчаларида, Чилонзор даҳаси, 1,2,3,4,5, Е. И-мавзелирада;
3 ва 23 июлда ИЭМ (М-5,8)	Бобур, Ганжа, Афросиёб, А. Тўқай, Нукус, Буюк Ипак йўли, Олой, Қашқар, Қит, Мофароунадр, Лоқтий, Т. Шевченко, Локомотивная, Х. Умаров кўчаларида, Қўшбеги, Бошлик, Авиасозлар шаҳарчаси турар жой даҳаларида;
25 июлда ва 8 июлда, «Сувоз» қозонхонаси	Сувчи турар жой даҳаси ҳудудларида, Х. Бойқор кўчасида
27 июлда ва 16 июлда, ТТЗ	ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакй турар жой даҳаларида, Ақдлик, Буюк Ипак йўли, Гулсанам, Белоножко кўчаларида.

Синовлар соат 8⁰⁰ дан 19⁰⁰ гача ўтказилади.
Сув ўтказгичларнинг шикастланиши ва иссиқ сувнинг тешилан жойларидан чиқиши мумкин, бу эса ҳайдовчи ҳамда пиёдалардан қатта эътибор талаб этади. Кузатишган носозликлар бўйича 133-32-32 телефонига қўнғирқ қилишингизни сўрайимиз.

2002 йил 28 июнь соат 10.00 да Камолитдин Бехоз номидаги мамиллий рессомлик ва дизайн институтида Очiq эшиқлар кунини ўтказилади. Унга барча қизиқувчилар таклиф этилади.
Манзил:
Тошкент, Ю.Ражабий кўчаси, 77.

Тошкент шаҳардаги 123-ўрта мактаб томонидан 1996 йили Исроилов Суннат Рустамович номига берилган **У21 №287509** рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

01 Қурилиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида қуриляётган ва тикланаётган объектларда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини назорат этиш давлат ёнғиндан сақлаш назорати органларининг муҳим вази-фаларидан биридир. Чунки бино ва иншо-отларнинг ёнғиндан сақланиши асослари уларни лойиҳалаш, қуриш ёки тиклаш да-вомида яратилади. Янги қурилишларда эса ёнғин чиқиш хавфи сақланиб қолади.

Амалийот шуни кўрсатадики, лойиҳада ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилинмаган ҳолатлар эртами кечми барибир аниқланади.

Янги қурилишдаги ёнғин хавфи қурилиш объектининг ўта чидамлилиги, қурилиш майдончасидаги ёнғин хавфининг кўрилиши ва микдори, иссиқ-лик берувчи қурилмалар ва электр қувватли қулни-ши остидаги жиҳозларнинг қўланиши, электр-газ пайвандлаш ишларининг ўтказилиши даражаси билан белгиланади ва кўп жиҳатдан қурилиш-мон-таж ишларини амалга оширишда, ёнғичан матери-аллар ва суюқликлар сақланишининг ташкил этили-ши, ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилишга боғлиқдир. Янги қурилишларда кўпчиная ёнғин чи-қишининг сабаби оловдан эҳтиётсизлик билан фой-даланиш (чекчи, гулхан ёқиш ва шу каби), жиҳоз-лар ва иситиш асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузишдир.

Ана шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, қурилиш даврида автоматик тарзда ёнғин ўчириш ва сига-лизация воситалари, тутунга қарши қурилмалар, ички ёнғинга қарши сув қувғури хали ишга яроқсиз ҳолатда бўлади.

Тошкент шаҳридаги янги қурилишларда содир бўляётган ёнғинлар ташвишлантирмақда. 2001 йил давомида биргина Мировод туманидаги қурилиш объектиларида 1 та ёнғин юз берди.

Ёнғин юзга келмаслиги учун ёнғин хавфсизли-ги қоидаларига қатъий риоя қилиш керак. Яъни: барча қуриляётган ёки қилинчалик биналарга эркин олиб борадиган йўл таъмирланиши керак. Барча йўллар, ўйлақлар, ёнғин газдиратлари, сув хав-залари фойдаланишга яроқли бўлиб, уларга олиб борадиган йўл очик бўлиши керак. Кечки пайт эса улар ёритилиши лозим.

Қуриляётган биналардаги вақтинчалик омборлар юзасидан Давлат ёнғинга қарши назорат маҳаллий органи билан келишилган бўлиши керак. Хизмат-маиший вагончалар ҳар бирида 10 танан зиёб бўлмаган тарзда гуруҳланиши керак. Хизмат-маиший вагончалар орасидаги масофа 1 метрдан кам бўлмаслиги даркор.

Ёнғичан қурилиш материаллари қурилиш майдон-часида қуриляётган ва вақтинчалик ёрдамчи бина-лардан 30 метрдан узокда бўлган масофада сақла-ниши лозим.

Хизмат-маиший вагончаларни иситишда автома-тик тарма регуляторли заводда тайёрланган электр иситгичлардан фойдаланиш мумкин.

Хар бир хизмат-маиший вагонча кўпикли ўт ўчи-риг (ОХП-10) билан таъминланиши лозим.

Қурилиш майдонини осиб қўйиш керак. Қурилиш объектларида ёнғинга қарши мавзулар-даги плакатлар, ёнғин хавфсизлиги қоидаларидан кўчирмалар, ихтиёрй ёнғинга қарши курашувчилар гуруҳи рўйхатини осиб қўйиш керак.

Ёнғин юзга келганда «01» рақамли телефон орқ-али зудлик билан ўт ўчирувчилар қақирлади ва улар этиб келгунча ёнғиндан чеклаш тадбирлари амалга оширилади.

Юқорида эслатиб ўтилган қоидаларга қанчалик қатъий риоя этилса ёнғиннинг, шунингдек, ёнғин туфайли келадиган моддий ва маънавий зарарлар-нинг олди шунчалик олинган бўлади. Ана шуни асло унутмаслигимиз керак.